Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 16 апрель Чоршанба. № 31(14424)

## Матбуот: бугуннинг долзарб масалалари

15 апрел куни Тошкентда «Радио ва Телевидение — ахборот маконида ва жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлидаги рақобат» мавзуида халқаро конференция бошланди. Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур анжуманда ўзбекистонлик ва германиялик мутахассислар билан бирга Украина ва Қирғизистондан келган оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Конференцияни Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев очди. Шундан сўнг, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Конрад Аденауэр жамғармаси раҳбарлари, шунингдек, Украина ва Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва Мухтор Элчилари Владимир Сметанин ва Райнхарт Биндзайл сўзга чиқдилар. Анжуманда бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланган матбуот, жумладан, радио ва телевидение, журналистлар фаолияти ҳақида сўз юритилди. Тўртинчи ҳокимият сифатида оммавий ахборот воситалари билан сиёсат ўртасидаги муносабат, журналист одоби, унинг бурчлари ва масъулияти хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, давлатга қарашли бўлмаган ва давлат ихтиёридаги оммавий ахборот воситалари тузилишининг ҳуқуқий асослари ва шартлари, демократия шароитида жамоатчилик фикрини шакллантириш мавзуида маърузалар тингланиб, баҳс-мунозаралар ўтказилди. Конференцияда журналистнинг аввало ўз касбига садоқатли бўлиши, халқ ва ватан олдидаги бурчини унутмаслиги муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Анжуман икки кун давом этади.



Орзулардек узоқларга уч варрагим!

## КЕЛАЖАККА ИШОНАМИЗ

**«Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураимов «Туркистон» газетаси саволларига жавоб беради.**

***— Хотам Маҳкамович, кўз очиб юмгунча,жамғарма ташкил этилганига ҳам бир йил тўлибди. Ўтган йиллик фаолиятингизда нимадан кўнгил тўлди-ю, нимадан тўлмади?***

— Жамғарма тизимида ташкилий, маданий оқартув масалаларини янгитдан шакллантириш, ёшлар онгига сингдириш борасида баъзи қийинчиликларга дуч келинди. «Камолот» тизимини бутунлай янгилаш, ёшлардаги боқимандалик, лоқайдлик кайфиятлари ўрнига ўз кучига ишониш, яратувчанлик руҳида тарбиялаш муаммосининг ечимини топишга тўғри келди.

Жамғарма тизимида иш юритишнинг янги, ёшларда ўз фаолиятига қизиқиш уйғотувчи услубини ишлаб чиқдик ва меҳнатга лаёқатлилик кайфиятини шакллантиришга эришдик. Натижада жойлардаги жамғарма бўлимларининг саъй-ҳаракатлари билан 28 мингдан ортиқ ёшлар фойдали меҳнатга жалб қилинди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Истеъдод» маркази, «Ўзкасабауюшма» федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Давлат Спорт қўмитаси, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ҳозирги кунда юзга яқин иқтидорли ёшлар илмий ишларини нашрдан чиқаришга эгадирлар ва ўнлаб ёш истеъдодли ўқувчилар «Камолот» жамғармаси стипендиантидирлар.

Бухоро ва Хива тарихини ўрганувчи ёшлар маркази ўз фаолиятини бошлади. Бу иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўз тарихимизга янгича ёндашиш, қолаверса, амалга оширмоқчи бўлган айрим ишларимизнинг илк меваларидир.

Ҳали ҳал қилинмаган муаммоларимиз кўп. Бир йиллик якун эса амалий режаларимизни таҳлилдан чиқаришимиз учун имконият туғдирди.

***— Ўтган даврдаги «Камолот»нинг энг хайрли ишлари нималарда деб ўйлайсиз?***

— Жамғарма ходимларини — кадрларни замон талабига мос мутахассислар сифатида шакллантириш мақсадида жамғарма қошида «Ёшлар муаммолари» институти очилди. Келажакда бу ёшлар муаммоларини аниқловчи, вазифалар ечимини таклиф этувчи, илмфан ютуқларини ҳаётга тадбиқ этувчи марказга айланиши керак. Ёшларга буюк тарихимизни очиб бериш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» халқаро экспедицияси ташкил этдик.

Республикамиз ҳудудларида ўтказилган меҳнат ярамаркаларида 28 мингга яқин ёшлар иш билан таъминланди, 2 минг нафар ёшга ўқув курсларига йўлланма берилди. Бу ишни жамғарма бўлимлари меҳнат вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширдилар.

«Усто-шогирд» ҳаракатини ривожлантиришга дастлабки қадамлар қўйилди. Албатта бу йўналишни йўлга қўйишда Президент Фармонларининг катта ёрдами бўлди. Жамғарма ҳузурида ёш ижодкорлар клуби тузилди, республикамиздаги аълочи ўқувчилардан 41 нафарига «Камолот» стипендиялари бериб борилмоқда.

Бозор инновация муассасаларини ташкил этиш ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий бизнес асослари бўйича ёш тадбиркорлар тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Чунончи, Шаҳрисабзда қишлоқ ҳудудида биринчи марта «Бизнес-инкубатор» тузилганидан хабарингиз бор.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган «Шунқорлар» ҳарбий — спорт ўйинлари йўлга қўйилди. Аммо буларнинг ҳаммаси — дастлабки қадамлар. Бугунги кун талабига жавоб бериш учун тўхтамай янги йўналиш, тинмай янги шакл излаш керак.

***— «Камолот»ни Ўзбекистон ёшлари-ку танидилар, аммо дунё ёшларичи?***

— Аниқроқ айтсак, Ўзбекистон ёшларининг энг фаол қатламлари асосан вилоят ва район марказларида истиқомат қилувчи ёшлар таниди. Ҳали узоқ қишлоқларда, чекка жойларда яшайдиган йигит ва қизларнинг қалбига кириб бора олганимизча йўқ. Уларнниг яқин дўсти, маслакдоши, ғамхўри, таянчи бўлишимиз керак. Афсус, ҳозирча тадбирларимизнинг кўп қисми пойтахт, вилоят ва туман марказлари билангина чегараланиб қолмоқда. Демак, ҳали фаолиятимизни янада жонлантиришимиз, ҳар бир ёшни — у хоҳ ишчи, чўпон, пахтакор ёки узоқ қишлоқ ёки овулдаги муаллим ёхуд мактаб ўқувчиси бўлсин, унинг кўнглига йўл топа билишимиз жоиз. Токи, улар кўнглидаги қувончи-ю, ғами ёки ташвишини ҳам «Камолот» билан баҳам кўрсин. Жамғармани ўзининг дўсти, сирдоши деб билсин!

Жамғармани дунёга танитиш бўйича эса айрим ишларга қўл урдик. Хабарингиз бор, «Ўзбекистон дўстлари» клуби тузилди ва у орқали хорижий давлатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан мулоқотга киришдик. Иншоолло, бу борадаги ишларимиз ҳам тез кунлар ичида натижасини бериб қолса ажаб эмас.

***— Устав қабул қилинганидан буён орадан бир йил ўтди, унинг барча бандлари давр синовига бардош бера олдими?***

— Бир йиллик фаолиятимиз Уставни ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта тайёрланганлигини кўрсатди. У жамғарма фаолиятини йўлга қўйиб олишимизда, Президент Фармонларини ҳаётга тадбиқ этишимизда дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Бироқ Уставда жамоатчилик марказлари ўз ҳисоб рақамларига эга бўлиши мумкинлиги ёзилмаган экан. Бу жамоатчилик марказлари фаолиятларини ташкил этишда қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис, Уставнинг жамоатчилик марказлари мақоми ҳақидаги бандни қайта кўриб чиқишни ҳаёт тақозо этмоқда.

***— Жамғарма бошқаруви раиси сифатида 1997 йил энг қувончли ва энг ташвишли кунларингиз?..***

— Йилда 364 кун бўлса, қувончли ёки ташвишли ҳодиса деярли ҳар кун ҳам бўлиб туради. Энг муҳими биз эртанги кунимизга ишонамиз.

***— Ўн йилдан кейинги «Камолот»ни қандай тасаввур қиласиз?***

— «Камолот» ўз атрофида ўнлаб, юзлаб ёшларнинг нодавлат ташкилотларини тузиши керак. Уларнинг негизини масалан, спорт клублари, ёш журналистлар уюшмалари каби турли кичик ташкилотлар, ҳаракатлар ташкил этиши керак. Бундай ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи ўз кучи билан ўзининг турли ҳаётий муаммоларини ечишга кўмаклашувчи ташкилотлар -фуқаровий жамиятнинг узвий бир тизимларидир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаровий жамиятнинг қурилишини ёшлардан бошлаш керак. Уларни эса ватанпарварлик, миллий ғурур, ватан равнақи учун яшаш ва меҳнат қилиш каби эзгу ниятлар бирлаштириб туради.

***— Бир йил олдинги Абдураимов билан ҳозирги Абдураимов ўртасида фарқ борми?***

— Ҳеч қандай фарқ йўқ. Мен ёшлар билан ишлашни доимо орзу қилиб келган эдим. Орзуимга етишдим. Мен ҳар куни ишга зўр иштиёқ билан келаман. Яйраб ишлайман. Бутун куч ва ғайратимни ишга сарфлагим келади...

Имкониятдан фойдаланиб, республикамиз ёшларини «Камолот» фаолларини, муассис ташкилотларимиз раҳбарларини ушбу жамғарма ташкил этилган кун билан муборакбод этаман!

Юқорида айтганимдек, бу кун байрам эмас, балки ўтилган йўлга бир назар ташлаш, ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиб, келгуси режаларни пухталаштириб олишдир.

«КАМОЛОТ» СОВРИНДОРЛАРИ

## ҒАЗАЛНИ СЕВГАН ҚИЗ

***Исми жисмига мос, кўзларида ҳайрат акс этган, суҳбатдоши қалбига йўл топа оладиган, камтарингина Нодира Миробод туманидаги 110-мактабнинг 10-синфида ўқийди. «Камолот» жамғармасининг стипендиясига сазовор бўлган.***

***Биз Нодира билан дарслар тугагандан сўнг суҳбатлашдик.***

***— Нодира энг яқин дугонангиз ким?***

— Биз тўрт қиз Дилноза, Ҳилола, Муҳаббат ва мен жуда қалин дугоналармиз. Синфдошларимнинг ҳаммаси билан эса яқин дўстман.

***— Қайси ўқитувчиларингизни кўпроқ ҳурмат қиласиз?***

— Ҳамма ўқитувчиларимни ҳурмат қиламан. Физика фани ўқитувчиси Умида опа Тухтавулина, математика фани ўқитувчиси Муҳрия опа Умароваларни яхши кўраман.

***— Демак, аниқ фанларга қизиқар экансизда?***

— Ҳа, физика, математика, менежменд, информатика фанларига кўпроқ қизиқаман.

***— Бўш пайтларингизда нима билан машғул бўласиз?***

— Китоб ўқийман. Чет эл болалари адабиётини, фантастика асарларини ўқишни яхши кўраман. Навоий ғазалларини, Машраб ғазалларини ўқиб, тушунишга ҳаракат қиламан. Қийналган пайтларимда дадамлар ёрдам берадилар.

Нодира ғазаллар таҳлили, улардаги мазмун моҳияти, гўзаллиги ҳақида тўлқинланиб гапирарди.

Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт,

Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

Киши таълимдин топса малолат,

Топар илм аҳли олдинда ҳижолат.

Навоий бобомизнинг ушбу мисраларини яхши кўраман. Одамлар қалбига зиё таратадиган мисралар. Ушбу ғазалда яна бир шундай ҳақиқат борки, унда:

Эрурсен шоҳ-агар огоҳсен сен,

Агар огоҳсен сен-шоҳсен сен — дейилади.

Нодира берилиб ғазал ўқир эдики, гўё овозида сеҳр бордай. Дарҳақиқат, 15 ёшда кўплаб ғазалларни ёд билиши, мумтоз адабиётга меҳр қўйиши, тинимсиз изланиши Нодиранинг келажагига умид боғлайди.

***— Нималарни яхши кўрасиз?***

— Эҳ-ҳе, уларни санаб тугатолмайман.

***— Нималарни ёмон кўрасиз?***

— Ҳасадгўйликни, ёлғончиликни, ваъда бериб уни бажармасликни.

***— Нималарга қизиқасиз?***

— Ширинликлар, айниқса, торт пиширишга жуда ҳам қизиқаман.

— Нодира сизнинг ёшингиздагилар жуда қувноқ, шўх бўлади. Сиз эса жуда жиддий қиз экансиз.

— Табиатан шундайман, бу дадамдан ўтган бўлса керак. Оилада дадам жиддий кишилар.

Биз фарзандларга ҳам беҳудага вақт сарфламасликни, кўпроқ ўйлаб, камроқ гапиришни, жиддийликни кўп уқтирадилар.

Ойим эса орзуга интилган инсон ҳеч қачон қийинчиликлардан қўрқмайди, дейдилар. Шунинг учунми бирор ишга киришсам, астойдил ёндашаман. Агар кўнглим тўлмаса ўзимни ожиздек сезаман.

Нодира оилада катта қиз. Ойисига яқин ёрдамчи, укаси ва синглисининг дарсларига ҳам бошқош. Дадасига жуда ҳам меҳрибон.

Азиз синглим Нодира, сенинг теран фикрларинг, ўтли нигоҳинг, майин кулгуларинг асири бўлдим.

Илоҳим, барча орзу ниятларинг амалга ошсин. Ўзинг истаган Шарқшунос-иқтисодчи бўлишингни чин дилдан тилайман.

**«Туркистон» мухбири.**

## Бухоро ҳақида видеофильм

Бухоро тарихини ўрганиш «Амир Темур» халқаро илмий экспедицияси мазкур шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан «Бухорои шариф» видеофильмини яратишга киришди. Тарих фанлари доктори, сўғдшунос олим М. Исхоқов, тарих фанлари номзоди археолог Ж. Мирзааҳмедов, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Бухоро вилояти бўлими раҳбари Садриддин Салим Бухорий, журналист Н. Очилов сценарийси асосида яратилаётган 20 қисмли бу ҳужжатли фильмга Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси, республика ёшлари «Камолот» жамғармаси ва унинг вилоят бўлими, «Амир Темур» халқаро илмий экспедицияси, «Ўзэлектроаппарат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳомийлик қилмоқда.

**Илхом Сафар, ЎзА мухбири.**

## ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий Фонди мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни кенг тарғиб қилиш, одамларда она-Ватанга, истиқлол ғояларига, миллий қадриятларга садоқат туйғуларини шакллантириш йўлида астойдил ижод қилаётган матбуотимиз фидойиларини рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши журналисти» танловини ўтказишини маълум қилган эди. Айни кунларда 1996 йил учун ижодий ишларни тавсия қилиш давом этмоқда.

Танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

— ижтимоий-сиёсий;

— иқтисодий;

— Маънавий-маърифий;

— Ўзбекистон ва халқаро ҳаёт.

«Йилнинг энг яхши журналисти» танловига июнь ойида якун ясалади.

Танловга номзодлар таҳририятлар, жамоат ва давлат идоралари томонидан тавсия этилади.

Ғолиблар мавзу йўналишлари бўйича қуйидаги тартибда тақдирланади.

1. Биринчи мукофот (тўртта) — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида.

2. Иккинчи мукофот (саккизта) — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида(

3. Учинчи мукофот (12 та) — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида.

Танловга тавсия этилган ижодий ишлар икки нусхада, таҳририят тавсияси билан 10 майга қадар қуйидаги манзилга юборилиши керак: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди. «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ҳайъатига.

Тақдим этилган ишлар 10 июнгача кўриб чиқилади, ғолиблар 27 июнь — Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни эълон қилинади.

**Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш мақсадида Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси тузилди.**

**Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида «Ўзбекистон-Франция» дўстлик жамиятининг илк бор ўзбек тилида чоп этилган «Ўзбекистон — Франция» бюллетени тақдимномаси бўлди. Маълумки, Парижда ташкил этилган «Франция-Ўзбекистон» дўстлик уюшмасининг француз тилидаги бюллетени мана бир неча йилдан буён нашр қилинади. Унда Марказий Осиё тўғрисида нафақат франциялик мутахасислар, балки ўзбек муаллифларининг мақолалари ҳам чоп этилади.**

**Йиғилишда «Ўзбекистон-Франция» дўстлик жамияти раиси, филология фанлари доктори, профессор А. Маматов ва бошқалар сўзга чиқиб «Ўзбекистон — Франция» бюллетени ўзбек ва француз халқлари тарихи, бугунги ҳаёти, урф-одатлари, илм-фани маданиятидаги янгиликлар, илмий изланишлари билан халқимизни яқиндан таништириш имконини беришини таъкидлади.**

**Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Клод Ришар «Ўзбекистон-Франция» дўстлик жамияти бюллетени халқларимиз ўртасидаги асосланган дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтди.**




**«Камолот» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими ташаббуси билан шаҳар олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида «Наврўз-97» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари танлов шартига биноан миллий либосларимиз, Наврўз айёмида дастурхонларга тортиладиган тансиқ таомларни тайёрлаш усулларини таърифлаб беришди, миллий урф- одатларимиз асосидаги саҳна кўринишларини намойиш этишди.**

**Танловда Тиббиёт билим юрти талабалари биринчи, Агробизнес коллежи талабалари иккинчи ва Тиббиёт институти талабалари учинчи ўринни эгаллашди.**

**ВАШИНГТОН. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган муҳожирлар Капитолий саройи олдида намойиш ўтказди. Улар АҚШ ҳукуматининг меҳнатга яроқсиз ва кекса ёшдаги муҳожирларга ижтимоий кўмак беришни бекор қилиш ҳақидаги қонунига норозилик билдирдилар.**

**АҚШ конгрессининг 1996 йил қабул қилган қонунига кўра, мамлакатга қонуний йўл билан келган муҳожир 5 йил вақт мобайнида фуқаролик мақомига эга бўла олмаса, у ижтимоий кўмакдан маҳрум қилинади.**

**Маълумотларга қараганда, айни пайтда мамлакатдаги 300 мингга яқин муҳожир мазкур қонун туфайли жиддий молиявий қийинчиликка дучор бўлиши мумкин.**



**Ўзбекистон республикаси Марказий банки 1997 йил 15 апрелдан ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 59 сўм 10 тийин миқдорида белгилади.**

**«Туркистон» ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

"Туркистон" газетаси реклама учун энг қулай имконият



Реклама ва эълонлар учун Тел.: 339597, 337269

